

МАВЗУ: ШАХС ТЕМПЕРАМЕНТИ ВА УНИ ДИАГНОСТИКА
ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Режа:

1. Кириш.
2. Темперамент хақида умумий тушунча.
3. Олий нерв фаолиятининг типи ва темпераменти.

Хулоса

Адабиётлар руйхати

Иловалар

К И Р И Ш

Одамлар ўртасидаги индивидуал – психи тафовутларда психиканинг *динамик* деб аталмиш хусусиятлари муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало психик жараёнлар ва ҳолатлар интенсивлиги даражаси, шунингдек, уларнинг у ёки бу тезликда кечиши назарда тулади. Маълумки, одамлар ҳулк – атвор ва фаолият мотивлари нисбатан тенг бўлганда, бир хил ташки таъсир этганда, бир – биридан таъсирчанлигига ва кўрсатаётган энергиясига кўра сезиларли даражада фарк қиладилар. Жумладан, бир хил киши секинликни, бошқаси шошилишни ёктиради, бир хил одамларга ҳиссиётларнинг тез уйғониши хос бўлса, бошқасига совуққонлик ҳосдир, бошқа бировни кескин имо – ишоралар, маъноли мимика, бошқасини ҳаракатларда оғир – босиқлик юзининг жуда ҳам кам ҳаракат қилиши ажратиб туради. Ҳаракатланиш хусусиятларига қараб фарқланишлар ҳар қандай тенг шароитларда индивиднинг умумий фаоллиги, унинг ҳаракатчанлиги ва унинг эмоционаллигига биноан юз беради.

Кишининг ҳаракатлардаги ўзгариши табиий равишда пинча тарбияланган установакалар (кўрсатмалар) ва одатларга, вазиятнинг талабига ва шу қабиларга боғлиқ бўлади. Аниқ сўз юритилаётган индивидуал фарқлар ўзларининг тугма асосига эга бўлиши шубҳасиздир. Бу шу нарса билан тасдикланадики, бундай фарқлар болалигидаёқ маълум бўла бошлайди, ҳулк – атворнинг ва фаолиятнинг турли соҳаларида кўринадиган ва алоҳида барқарорлиги билан ажралиб туради.

Индивидга хос динамик фазилатлар ўзаро ички боғланишга эга бўлиб, ўзига хос тузилишни ташкил этади. *Психиканинг индивидуал жихатдан ўзига хос, табиий жихатдан шартли., динамик кўринишлари мажмуи кишининг темпераменти деб аталади.*

«Темперамент» термини антик фаннинг индиви дуал – психологик фарқлари табиатига бўлган қарашларига қариб қоллади. Қадимги юнон медицинаси унинг йирик вакили *Гиппократ* (эраמידан

олдинги V аср) сиймосида организмнинг холати «шарбат» ларнинг, яъни, организмда мавжуд суюкликларнинг (кон, лимфа, ўт) микдорий нисбатига боғлиқдир, деб ҳисоблади. Бу шарбатларнинг аралаштирилгандаги нисбати грекчасига «красис» («ғўзал» маъносида) сўзи билан аталган. Бир неча аср кейинроқ ишлаган римлик врачлар бу тушунчани лотинча *tēperamentum* сўзи билан атаганлар, бу «кисмларнинг тегишли нисбати» деган маънони билдиради. Бундан «темперамент» деган термин келиб чиққан. Аста – секин антик фанда одамларнинг рухий хусусияти красисга ёки темпераментга, яъни организмда асосий «шарбат» лар аралашиб кетган нисбатга боғлиқ деган фикр қарор топди. Эрамыздан илгари II асрда яшаган римлик анатом ва врач *Гален* биринчи бўлиб темпераментларнинг кенгайтирилган таснифини берди: у 13 та турни ўз ичига қамраб олади. Темперамент турлари сони қадимги медицина вакиллари томонидан кейинчалик тўрттага қадар қамрайтирилди. Уларнинг ҳар бири қандайдир суюкликнинг бошқалардан қўшилиши билан ажралиб туради.

Организмда суюкликларнинг аралашуви (у қоннинг қўшилиши билан характерланади) *сангвиник* темперамент деб аталди (лотин тилидаги «сангвис»—қон сўзидан); лимфа қўп бўлганда *флегматик* темперамент (грекча «флегма»—шилимшиқ парда дегани); сарик ўтнинг қўпайганини холерик темперамент (грек тилидаги «холэ»—ўт сўзидан) ва, нисбатан, қораси ўт қўп бўлган *меланхолик* темперамент деб (грекча «мелойна холэ»—қора ўт) аталади.

Антик фан яратган темпераментнинг органик асоси тўғрисидаги таълимот ҳозир фақат тарихий жihatдан қизиқиш уйғотади, ҳолос. Лекин психиканинг динамик намоён бўлишидаги индивидуал тузилишларнинг ранг -баранглигида типик вариантларни аниқлаш мумкинлиги ҳақидаги фикр тўла тасдиқланди. Фанда «темперамент» термини муҳим ўрин олди ва ҳозирги кунга қадар кишиларни темпераментига мувофиқ тўрт гурӯҳга ажратиш ўз аҳамиятини қайта

колди.

Антик фан давридан бери ўтган кўплаб юз йилликлар мобайнида психиканинг динамик кўринишлари бўйича фаркларнинг сабабларини аниклашни мақсад қилиб қўйган турли хил янги гипотезалар илгари сурилди. Қадимги врачларнинг таълимоти кўрсатган таъсир тўғрисида организмнинг *гумораль* (лотинча humoK, нам, шарбат сўзидан) системасига бундан кейин ҳам қандай аҳамият берилгани тўғрисида ҳукм чиқариш мумкин. Жумладан, немис файласуфи *И. Кант* (XVIII аср охири) қоннинг индивидуал хусусиятлари темпераментнинг табиий асоси ҳисобланади, деган эди. Рус педагоги анатоми ва врач *П. Ф. Лесгафтнинг* гоёси ҳам шу нуқтаи назарга яқин эди. Бу олим темпераментнинг асосида қон айланиши (жумладан қон – томирлари қенглиги ва таранглиги, уларнинг буш жойи диаметри юракнинг шакли ва ҳоказолар) хусусияти ётади деб ёзган эди (XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида). Бу фикрга биноан организмнинг кўзгалувчанлиги индивидуал характеристикаси ва турли хил омилларга жавоб реакцияларнинг давомийлиги қон айланиши тезлигига ва қучига боғлиқ бўлади. Немис психиатри *Э. Кречмер* (асримизнинг 20-йилларидан бошлаб) индивиднинг психик тузилиши тана тузилишига, тананинг умумий конструкциясига тўғри келади, деган тасаввурларни асослади. Тананинг тузилиш тип *и* ва айрим психик хусусиятлар ўртасидаги алоқани *Э. Кречмер* бўйича, тананинг тузилиши тип *и* ҳам, психик хусусиятлар ҳам қоннинг қимёвий тарқиб *и* ва ички секреция безлари ажатиб чиқарадиган гармонлар билан тушунтириш керак. Америкалик олим *У. Шелдон* (асримизнинг 40-йиллари) ҳам индивидуал – психологик хусусиятлар билан гармонал система билан бошқариладиган тана хусусиятларини (организмнинг ҳар хил тўқималари нисбати) тўғридан – тўғри боғлиқ қилиб қўйди.

Бундай тасаввурларга ҳеч қандай асос йўқ, деб айтиш мумкин

эмас, аммо улар ишнинг энг асосийсини эмас, балки факат битта томонини кўрсатади, холос. Барча психик кўринишларнинг бевосита асосини бош миянинг, психика органларининг хусусиятлари ташкил қилишини тўла ҳисобга олиш зарур. Суюкликлар ёки шарбатларнинг, организмнинг аҳамияти тўғрисидаги бошлангич гоё гарчи гуморал омилларнинг роли ҳақидаги кейинги тасаввурлар билан бир – бирига яқинлашса ҳам темпераментнинг табиий асосини янги тадқиқ қилиш учун бошқаси *хулқ – аъвор динамикасига таъсир этадиган барча ички шароитлар* (худди ташқи шароитлар каби) *албатта мия орқали таъсир қилишини тан олиш муҳимдир.* Ҳозирги замон фани темпераментга оид индивидуал фарқларнинг сабабларини айнан миянинг, унинг қобиғи ва пўстлоқ ости функционал хусусиятларида, олий нерв фаолияти хусусиятларида деб билади.

I. Боб. ТЕМПЕРАМЕНТ ХАКИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА.

Одамлар уртасидаги индивидуал-психологик тафовутларда психиканинг динамик деб аталмиш хусусиятлари муҳим урин эгаллайди. Энг аввало психик жараёнлар ва ҳолатлар интенсивлиги даражаси, шунингдек, уларнинг у ёки бу тезликда кечиши назарда тутилади. Маълумки, одамлар ҳулк-атвор ва фаолият мотивлари нисбатан тенг бўлганда, бир хил ташки таъсир этганда, бир-биридан таъсирчанлигига ва курсатаётган энергиясига қура сезиларли даражада фарқ қиладилар. Жумладан, бир хил киши секинликни, бошқаси шошилишни ёктиради, бир хил одамларга ҳиссиётларнинг тез уйғониши ҳос бўлса, бошқасига эса совуққонлик ҳосдир, бошқа бировни кескин имо-ишоралар, маъноли мимика, бошқасини ҳаракатларда оғир-босиклик, юзининг жуда ҳам кам ҳаракат қилиши ажратиб туради. Ҳаракатланиш хусусиятларига қараб фарқланишлар ҳар қандай тенг шароитларда индивиднинг умумий фаоллиги, унинг ҳаракатчанлиги ва унинг эмоционаллигига биноан юз беради.

Кишининг ҳаракатлардаги узғариши табиий равишда қўпинча тарбияланган установақалар (курсатмалар) ва одатларга, вазиятнинг талабига ва шу қабиларга боғлиқ бўлади. Аммо, суз юритилаётган индивидуал фарқлар узларининг тугма асосига эга бўлиши шубҳасиздир. Бу шу нарса билан тасдиқланадики, бундай фарқлар болалигидаёқ маълум бўла бошлайди, ҳулк-атворнинг ва фаолиятнинг турли соҳаларида қуринади ва алоҳида барқарорлиги билан ажралиб туради.

Индивидга ҳос динамик фазилатлар узаро ички боғланишга эга бўлиб, узига ҳос тузилишни ташкил хусусиятлари эса жуда барқарор бўлади. Психиканинг динамик ҳислатларига қура тафовутларнинг табиий боғликлиги билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

Динамик ҳислатлар ҳулк-атворнинг факат ташки услубида, факат ҳаракатларда намоён бўлмайди, улар аклий соҳада, истак-майл соҳасида, умумий иш қобилияти соҳасида ҳам уз таъсирини курсатади. Табиийки,

темпераментнинг узига хос хусусияти укув машгулотларида ва меҳнатда сезилади.

Мухими, темпераментлар буйича фарқлар - булар психиканинг имкониятлари даражаси буйича эмас, балки унинг қуринишлари узига хослиги буйича фарқларни билдиришини назарда тутиши керак. Хар бир темперамент ижобий ва салбий жихатларга эгадир. Нерв системаси типларининг айрим хусусиятлари ва уларга тегишли темперамент хусусиятларининг фаолияти учун аҳамиятини урганиш натижалари бу ҳақда конкрет тасаввурлар беради.

II.Бoб. ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИНИНГ ТИПИ ВА ТЕМПЕРАМЕНТИ.

Махсус тадқиқотлар тасдиқладики, типнинг кучсизлиги кучсизлиги факат кузгалиш ва тормозланиш жараёнининг кучи етишмаслигини эмас, балки у билан боглик юксак сезувчанликни, ташки таъсирларга жавоб беришни (реактивликни) ифодалаши жуда намуналидир. Бу нерв системасининг кучсиз типни узининг алохида афзалликларига эга булишни билдиради. Мазкур типнинг куринишлари узига хослиги тугрисида, унинг имкониятлари хакида куплаб экспериментал маълумотлар ва хаётий кузатишларга асосланиб фикр юритиш мумкин.

Масалан, шундай тажрибалар утказилди: укувчилар группасига (хар нерв системасининг кучи тушунтиришда темперамент буйича фаркларни хисобга олиш лозим. Бироз сустр болалар янги фаолиятга дархол кушилиб кета олмайдилар, улар хатто битта фан буйича утказилаётган дарсда бир машгулотдан иккинчисига утишда кийналадилар (масалан, укутувчининг тушунтиришларини тинглашдан ёзувга утишда ва хоказо). Айни пайтда юксак харакатчан болаларда фаолиятнинг тез-тез узгариб туриши купинча дарсларда ишчанлик холатини саклаб колади.

Купинча холерик ва меланхолик темпераментли болалар укутувчиларнинг алохида гамхурлигини талаб этади. Биринчиларини таъсирланишлари зур булишидан мунтазам равишда саклаш, узини тутишга, чидамли булишга ургатиш, уларда анча осойишта ва бир меъёрда ишлаш одатини тарбиялаш керак. Иккинчиларида уз кучларига ишончни ривожлантириш, уларнинг фаоллигини рағбатлантириш, кийинчиликларни енгиш билан боглик булган хатти-харакатларни талаб килиш лозим. Нерв системаси кучсиз болалар аник режимга ва маълум бир маромда ишлашга мухтож буладилар. Индивидуал ёндашув ва темперамент типни.

Айтилганлар темперамент бўйича ҳақиқий фарқларни етарлича баҳоламасликка олиб келмаслиги керак. Болалар темпераментининг хусусиятларини билиш улар хулқ-атворининг айрим хусусиятларини тўғри тушуниш, тарбиявий таъсир кўрсатиш усулларини керакли бир тарзда ўзгартириш имконини беради.

Уқишга қизиқиши бир хил бўлган, лекин темпераменти ҳар хил болаларга педагогнинг салбий баҳоси қандай қилиб ҳар хил таъсир қилиши махсус ўрганилди. Маълум бўлишича, агар нерв системаси кучли ўқувчида салбий баҳонинг рағбатлантирувчи таъсири аниқланса, нерв системасининг типини сусти бўлган ўқувчида ана шундай баҳодан кейин тушкунлик, саросималик, ўз кучларига ишончнинг йўқолиши аниқланди. Ўқувчиларнинг турли хил таъсирланишлари ҳар хил педагогик тактикани талаб қилиши тушунарли.

Уқитувчилар мактабда дарс жадвалининг ўзгариши, битта дарснинг иккинчиси билан алмаштирилиши синфнинг нормал ишлашини бузишини биладилар. Баъзи ўқувчилар бу хилдаги ўзгаришларни осон ва тез, бошқалари эса секинлик билан ўзлаштириб оладилар. Бу хилдаги фактларни тушунтиришда темперамент бўйича фарқларни ҳисобга олиш лозим. Бироз сусти болалар янги фаолиятга дарҳол қўшилиб кета олмайдилар, улар ҳатто битта фан бўйича ўтказилаётган дарсда бир машғулотдан иккинчисига ўтишда қийналадилар (масалан, ўқитувчининг тушунтиришларини тинглашдан ёзувга ўтишда ва ҳоказо). Айни пайтда юксак ҳаракатчан болаларда фаолиятнинг тез-тез ўзгариб туриши кўпинча дарсларда ишчанлик ҳолатини сақлаб қолади.

Кўпинча холерик ва меланхолик темпераментли болалар ўқитувчиларнинг алоҳида ғамхўрлигини талаб этади. Биринчиларини таъсирланишлари зўр бўлишидан мунтазам равишда сақлаш, ўзини тутишга, чидамли бўлишга ўргатиш, уларда анча осойишта ва бир меъёрда ишлаш одатини тарбиялаш керак. Иккинчиларида ўз кучларига

ишончни ривожлантириш, уларнинг фаоллигини рағбатлантириш, кийинчиликларни енгиш билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларни талаб қилиш лозим. Нерв системаси кучсиз болалар аниқ режимга ва маълум бир маромда ишлашга муҳтож бўладилар.

Тегишли тарбия шароитларида ва нерв системасининг кучсиз типда кучли ирода ривожланиши мумкин ва, аксинча, нерв системаси кучсиз типда бўлса, «алоҳида» шароитларда тарбиялашда куч-ғайрат етишмаслиги, чор-ночорлик аломатлари пайдо бўлиши мумкин. Ҳар қандай холерик ҳам қатъий ва ҳар қандай сангвиник ҳам юмшоқ кўнгил бўлавермайди. Бу хислатлар шакллантирилмоғи керак. Бу муайян даражада ўзини-ўзи бошқаришни, ўзини-ўзи тарбиялашни талаб қилади.

Усиб бораётган кишига ўз хулқ-атвори ва фаолиятини аста-секин онгли равишда бошқаришни ўргатиш зарур. Бу нарсa темпераменти ҳар хил типдаги кишиларда ҳар хил юз беради. Жумладан, агар холерикка ўзида хатти-ҳаракатлар тезлиги ва қатъийлигини шакллантириш флегматикка нисбатан осон бўлса, флегматикда ўзини вазмин тута билиш ва совуққонлик кўрсатиш одатини тарбиялаш холерикка нисбатан осондир. Темперамент бир ўқувчи учун у ёки бу психик фазилатларни шакллантиришнинг бир хил усуллари, бошқалари учун бошқа усуллари зарурлигида билинади.

Темпераментнинг хусусиятлари ҳаётнинг турли жабҳаларида (масалан, мактаб ва уй шароитларида) турли даражада намоён бўлиши мумкинлиги намуналидир; темпераментнинг маълум бир кўринишлари ишлаб чиқиладиган йўл-йўриқлар ва одатлар таъсири остида чекланиши, у ёки бу йўналишга буриб юборилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, темперамент хулқ-атвор хусусиятларига таъсир этади, лекин уларни олдиндан белгиламайди: тарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўсиб бораётган кишининг теvarак-атрофдаги оламга бўлган муносабатлари системаси биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Темпераментнинг хусусияти, яъни психиканинг динамик томони хусусиятлари киши характери ташкил этадиган психиканинг муҳим хусусиятларини ривожлантириш шартларидан биридир, холос.

ХУЛОСА

Тегишли тарбия шароитларида ва нерв системасининг кучсиз типда кучли ирода ривожланиши мумкин ва аксинча нерв системаси кучсиз типда булса, алохида шароитларда тарбиялашда куч-гайрат етишмаслиги, чор-ночорлик аломатлари пайдо булиши мумкин. Хар кандай холерик хам катъий ва хар кандай сангвиник хам юмшок кунгил булавермайди. Бу хислатлар шакллантирилмоги керак.

Болаларга индивидуал, психологик жиҳатдан асосланган ёндашувни амалга оширмоқ учун, жумладан, ўзингиз уларнинг темперамент хусусиятларини тўғри тасаввур қилишингиз керак. Бола билан қисқагина танишув чоғида психиканинг динамик таърифи тўғрисида фақат айрим, оз ё кўп даражада ёрқин таассуротларгина олиш мумкин. Лекин улар темпераментнинг хусусиятлари тўғрисида, шубҳасиз, тўғри мулоҳазалар учун етарли эмас. Ўқувчининг ривожланиш шароитларини билган, унинг хар хил ҳолатлардаги хулқи ва фаолияти тўғрисидаги маълумотларни солиштирган ҳолда тасодифий хулқ-атворни, одатларни, темпераментнинг асосий белгиларидан ажратиш мумкин. Динамик кўринишнинг ўзига хослигини ўрганишнинг муҳим услуби ўқувчиларни, имкони борича, бир-бири билан тенг шароитларда солиштириб кўришдир.

Ўқувчини темпераментнинг маълум бир типига киритиш учун унда, аввало, қуйидаги фазилатларнинг у ёки бу тарзда ифодаланганлигига ишонч ҳосил қилиш керак:

1. *Фаоллик*. Бу ҳақда бола янгиликка қандай даражадаги ғайрат (қатъийлик) билан интилиши, атрофдагиларга таъсир кўрсатишга ва уни ўзгартиришга, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга ҳаракат қилиши ҳақида хулоса қилинади.

2. *Эмоционаллик*. У ҳақда эмоциоген таъсирларни сезиши бўйича, эмоционал таъсирот учун сабаб топиш майли бўйича хулоса қилинади. Эмоциянинг бирор хатти-ҳаракатга ундовчи куч сифатида намоён

бўлиши, шунингдек бир эмоционал ҳолатнинг бошқаси билан қанчалик тез алмашиши бу жиҳатдан диққатга сазовордир.

3. *Моториканинг ўзига хос хусусиятлари.* Улар мушаклар ҳаракатининг тезлиги, кескинлиги, ритми, амплитудаси ва бошқа қатор белгиларида (уларнинг бир қисми нутқ моторикасини ҳам белгилайди) намоён бўлади. Темперамент кўринишларининг бу жиҳатини кузатиш ва баҳолаш ҳаммадан кўра осонроқдир.

Темпераментнинг ёшга оид хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиш керак: ҳар бир болалик ёшида фаолликнинг, эмоционаллик ва моториканинг ўзига хос хусусияти бор. Жумладан, кичик мактаб ёши учун фаолликнинг характерли белгилари — қизиқиш уйғотишнинг осонлиги, ҳар қандай ташқи қўзғатувчига эътибор беришга тайёрлик ва диққат-эътибор беришнинг етарлича узоқ давом этмаслиги, болалар нерв системасининг нисбатан сустлиги, сезгирлиги билан боғлиқдир. Ҳаётнинг ана шу давридаги эмоционаллик ва моторика, албатта, айтайлик, ўсмирлик, айниқса ўспиринлик давридагидан бошқачароқ бўлади. Болада темпераментнинг у ёки бу типининг белгилари унинг ёшидан ажратилган ҳолда қараб чиқилиши мумкин амас, улар ҳамиша тегишли «ёш давр фонида» намоён бўлади.

Темпераментнинг ҳар бир типи ҳам ижобий, ҳам хоссалари ва салбий психологик хусусиятлари ўзини намоён қилиши мумкин. Агар холерикнинг куч-қуввати, эҳтирослилиги муносиб мақсадларга йўналтирилган бўлса, қимматли фазилатлар бўлиши мумкин, лекин етарлича бўлмаган мувозанатлик, эмоционаллик ва ҳаракатсизлик зарур тарбия бўлмаганда ўзини тута олмасликда, кескинликда, доимо қизишиб кетишга мойилликда ифодаланиши турган гап. Сангвиникнинг жонлилиги ва ҳозиржавоблиги қимматли хусусиятлардир, лекин тарбия етарли бўлмаган тақдирда уларни тегишлича диққатни тўпланишининг йўқлигига, юзакичиликка, бир йўла бир неча ишга қўл уришга мойилликка олиб келиши мумкин. Флегматикнинг вазминлиги, сабр-

тоқатлилиги, шошқалоқликнинг йўқлиги қимматли хусусиятлардир. Лекин тарбиянинг ноқулай шароитларида улар кишини бўшаштириб, ҳаётнинг кўпгина таассуротларига бефарқ қилиб қўйиш эҳтимоли мавжуд. Ҳиссиётнинг чуқурлиги ва барқарорлиги, эмоционал жиҳатдан сезгирлик меланхоликнинг қимматли фазилатлари ҳисобланади. Бироқ бу тип вакилларида тегишли тарбиявий таъсирлар етишмаган тақдирда ўзларининг шахсий кечинмаларига бутунлай берилиб кетиш, ортиқча уятчанлик ривожланиши мумкин.

Шундай қилиб, темпераментнинг айнан бир хил бошланғич хусусиятлари уларнинг қандай — ижобий ёки салбий томонга ривожланишини олдиндан белгилаб бермайди. Шунинг учун тарбиячининг вазифаси бир хилдаги темпераментни бошқасига ўзгартиришга уриниб кўришдан иборат бўлмаслиги керак (бу мумкин ҳам эмас), балки мунтазам иш олиб бориш йўли билан ҳар бир темпераментнинг ижобий томонлари ривожланишига кўмаклашиш ва айни пайтда ушбу темперамент билан боғлиқ бўлиши мумкин салбий жиҳатлардан ҳоли бўлишга ёрдам беришдан иборатдир.

Фақат тарбияланмаганлик натижаси ҳисобланган нарсани темперамент ҳисобига ўтказмаслик керак. Масалан, хулқ-атворда сабр-тоқат ва ўзини тута билмасликнинг йўқлиги холерик темпераментни билдирмайди албатта, у ҳар қандай темпераментда ҳам айнан тарбияда йўл қўйиладиган камчиликнинг оқибати бўлиши мумкин. Кизиқиш ва майлларнинг ҳаддан ташқари осон алмашиниши, ўзини тута билмаслик, атрофдагиларга бефарқлик, кўрқоқлик ва боланинг (худди катталардагидек) бошқа салбий иллатлари темпераментнинг хусусиятлари бўлмай, балки теварак-атрофдаги кишиларнинг таъсири натижасидан—бир хил ҳолларда болани эркалитиб талтайтириб юбориш ва инжиқликларини рағбатлантириш, бошқа ҳолларда ортиқча қаттиққўллик ва мустақилликни бўғиб қўйиш, эзилишдан иборат бўлиши мумкин.

Мактабда ўқувчи журъат-сиз, деярлик ўзини Эплай олмайдиган бўлиб кўриниши, ўта меланхолик типдаги одамнинг тасаввурини бериши, лекин амалда ундай бўлмаслиги мумкин. Масалан, унинг хулқ-атвориغا ўқув предметларидан орқада қолиб кетгани таъсир этгандир ёки у билан синф жамоаси ўртасида нотўғри муносабатлар таркиб топгандир.

ҚАЙДМОМА ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР ТЕМПЕРАМЕНТИНИХИСОБЛАШ УСУЛИ

Усулнинг мақсади: Маълумки, таълим - тарбия жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўзига хос оламини тўғри тушуниш ва унга мос равишда иш тутиш ўқувчи шахсини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Чунки, инсон руҳияти, унинг қабул қилиш доираси, оламга ва одамларга муносабати, ҳаётнинг қувончларию - ташвишларини ҳис этиши турли кишиларда турлича намоён бўлиши табъдй бир ҳол. Бир хил одамлар теварак-атрофимиздаги ҳаёт далиллари ва ҳодисаларига тез ва енгиллик билан жавоб берадилар. Улар таъсирчан бўладилар. Бошқа бир тоифа одамлари эса теварак - атрофимиздаги ҳаёт далиллари ва ҳодисаларига шошмасдан, кийинчилик билан жавоб берадилар. Улар суст ва бефарқ бўладилар. Яна бир хил одамлар борки, улар ниҳоятда ғайратли, кескин бўладилар. Бошқа бир хил одамлар эса бир маромли ва мулоҳазали бўладилар. {аётдаги ва жамиятдаги бундай ҳолатларни инсоннинг ўзига хос хусусиятлари ёки темпераменти тушунчаси билан изоҳланади. Демак, темперамент кишининг юришида ҳам, имо - ишораларида ҳам, мимикасида ҳам, сезгилар ва тафаккур фаолиятининг хусусиятларида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шунинг учун темперамент — бу, шахснинг психик жараёнлари содир бўлиш динамикасида, умумий ҳаракатчанлиги ва эмоционал кўзуалувчанлигида рўёбга чиқадиган ўзига хос хусусиятларидир. Бу хусусият олий асаб фаолияти типи, кўзуалиш ва тормозланиш жараёнларининг содир бўлиши ва ўзаро муносабати билан белгиланади. Темпераментларнинг тўртта типи (холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик) ҳақидаги тушунчани дастлаб Гиппократ, кейин эса И. П. Павлов ҳар томонлама асослаб берганлар.

{ар бир темперамент типининг ҳам ўзига хос ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Уқитувчи эса ўқув фаолиятини бошқариш

жараёнида ҳар бир ўқувчининг ижобий томонларидан унумли фойдаланишга ва салбий томонларини маълум даражада тарбиялашга ҳаракат қилмоқи даркор, акс ҳолда ўқувчи шахси камолотини таъминлаш бирмунча заифлашади ва мураккаблашади. Шуларни ҳисобга олиб ўқитувчиларга ёрдам тариқасида ўқувчи темпераментларини аниқлашнинг яна бир усулини ишлаб чиқдик ва бунинг педагогик амалиётда татбиқ этилиши ўқувчи шахсини ўрганишда бирмунча муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Усулни қўллаш тартиби: Мазкур усулни қўллаш асосан уч босқич бўйича амалга оширилади:

I. Тайёргарлик босқичи. {ар бир ўқувчи учун баҳо қўйиш шартлари ва 60 та саволни ўз ичига олган қайднома намунаси баён этилган варақа тайёрланади ва ўқувчиларга анкета мазмунини батафсил тушунтирилади.

II босқич. Экспериментнинг бориши. Бунда ўқувчилар қайдномада кўрсатилган барча саволларга (жами — 60 та) ўз ҳулқ - атворлари ва имкониятларини ҳақиқий

баҳолашдан келиб чиққан ҳолда жавоб берадилар, яъни қайдномадаги ҳар бир савол тўғрисида тегишли балларни қўйиб борадилар.

III босқич. Олинган маълумотлар устида ишлаш. Бунда ўқитувчи ўқувчилар тўлдирган қайдномани йиғиб олади ва маълум кўрсатма бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилади. У ёки бу ўқувчидаги темперамент типларининг қай даражада намоён бўлганлигини аниқлайди ва тегишли ҳулосалар чиқаради.

Қуйида усулни қўллаш тартиби билан танишасиз.

Ўқувчилар тўлдирishi лозим бўлган қайднома саволлари

(I босқич)

{урматли ўқувчи, қуйидаги 15 бўлимдан иборат ва ҳар бўлимда тўрттадан (а, б, в, г) савол ёки инсоннинг ҳулқ - атворида намоён бўлувчи баъзи бир сифатларнинг ёзма баёни қайд этилган. {ар бир савол тўғрисида тегишли баллни қўйиш орқали ўз муносабатингизни

билдиришинг лозим. Бунинг учун эса хар бўлимда кайд этилган тўртала (а, б, в, г) сифатни ўзаро таккослаганда айнан сенинг хулк - атворингда кайси бири нисбатан кўп ёки камрок микдорда намоён бўлаётганлигини ўйлаб кўришинг ва куйидаги шарт асосида имкони борича хар бир бўлимдаги тўртала сифатга хам тегишли (0, 1, 2, 3) балларни кўйиб боришинг лозим бўлади. Қўйиладиган балларнинг эса шарти ва мазмуни куйидагича:

«0» балл — Бундай сифат менинг хулк - атворимга мутлако тўри келмайди;

«1» балл — Бундай сифат менинг хулк - атворимга кисман тўри келади;

«2» балл — Бундай сифат менинг хулк - атворида ўртача ўринни эгаллайди:

«3» балл — Бундай сифат менинг хулк - атворимда жуда кўп маротаба намоён бўлган ва бу айнан мен учун хос бўлган сифат хисобланади.

№	Хулқ-атворда намоён бўлувчи сифатлар	Мазкур сифат даражасини баҳолаш
1	2	3
I. а	Ҳамиша тиниб-тинчимас, бироз ҳовлиқма, баҳсларда ҳозиржавоб	
б	Ҳамиша қувноқ ва хушчақчақ	
в	Баъзан лоқайд, совуққон, кўпинча босиқ ва хотиржам	
г	Уятчан, тортинчоқ, ўта раҳмдил	
II. а	Қизиққон, таваккалчи	
б	Серҳаракат, ишбилармон	
в	Чуқурроқ фикр юритишга ва кўпроқ мулоҳаза юритишга иштиёқманд	
г	Янги талаблар ва шароитларга тез мослаша олмайди, ўзини йўқотиб қўяди	
III. а	Қайфиятнинг тез-тез ўзгариб туриши.	
б	Қизиқарли ишларни кўпроқ бажаришга ва ташаббус кўрсатишга мойиллик	
в	Қамгап, ҳамиша тинчлик ва осойишталикни севадиган	
г	Ҳал кўтара олмайдиган, ишга ўта ҳаяжон билан киришувчан	
IV. а	Осонликча бировга ён бермаслик, кўпроқ ўз билганини қилиш, кескин ва шиддатли ҳаракатлар билан ишлаш	
б	Қайғули дамларда ҳам ўзини билдирмаслик	
в	Ниҳоятда вазмин, сабр-бардошли, ўз кучига ишонувчан	
г	Секин ҳаракатлар қилса-да узоқни кўзлаб иш тутадиган, тез ваҳимага тушувчан, ўз кучига ҳадиксираб қаровчан	
V. а	Баъзан қайсар, илжик, камчиликларга чидамсиз.	
б	Янгилликни тез оча оладиган, ғам-андуҳларни тез ва осонлик билан унута оладиган	
в	Жаҳлни чиқариш ёки кулдириш жуда қийин.	
г	Ширин хаёлларга мойил, ишдан тез толиқадиган.	
VI. а	Ишга тезкорлик ва катта ташаббуслар кўрсатиб киришади, лекин баъзан бирдан ҳаракатлари сусаяди, дастлабки жўшқин илҳоми эса йўқолади.	
б	Уддабурон, эпчил, ўзини тўғри идора қила оладиган	
в	Ишни бамайлихотир бошлайди, асло шошилмайди.	
г	Ишни бошлашдан олдин қаттиқ ҳаяжонга тушади, чунки қийинчилик бўлса енга олмасликдан хавотирланади	
VII. а	Қизиқиши ва интилишлари шиддатли, аммо беқарор	
б	Қизиқишлари шароитга боғлиқ равишда ривожланиб боради	
в	Қизиқиш ва интилишларида барқарорлик ҳукмрон	
г	Қизиқишларида маълум ҳадиксираш бор, лекин барча тартиб ва қоидаларга қатъий риоя қилади.	
VIII. а	Ўзига ва ўзгаларга талабчанлиги баъзан пайдо бўлиб, баъзан эса йўқолиб туради.	
б	Талабчанлиги кўп ҳолларда шарт-шароитга боғлиқ	
в	Ўзгаларга талабчан эмас, ўзи эса мақтовга берилмайди	
г	Ўзига ва ўзгаларга талабчан, мақтовга тез берилади	

IX.	а	Ифодали мимика эгаси, хафалигини ёки хурсандлигини тезда пайқаш мумкин.
	б	Юзида кўпинча қувноқлик ва кўтаринки руҳ намоён
	в	Ифодали мимикага эга эмас, ичидаги гапларини юз тўзилишидан билиш қийин
	г	Мимикасида кўпинча ҳаяжон, таъсирланиш, журъатсизлик ва ишдаги чуқур масъулият ҳисси сезилиб туради
X.	а	Тезкор. Завқли ва ифодали гапиришга ҳаракат қилади
	б	Жарангдор, тез, аниқ ва равшан гапиришга одатланган
	в	Секин, бир маромда, тўхтаб-тўхтаб, ҳар бир сўзнинг мантиқий боғланишига эътибор бериб, ташқи ифодасиз гапиришга ҳаракат қилади.
	г	Секин, беҳол, кўпинча шивирлаб гапириш одати мавжуд.
XI.	а	Одамларга тез қўшилиб кета олади ва тез аразлайди
	б	Одамлар билан осонликча тил топиб кета олади.
	в	Одамларга тез қўшилиб кета олмайди, янги шароитга ва янги одамларга машаққат билан кўникади
	г	Одамларга тез қўшилиб кетади, катталарга итоаткор, уларнинг характериға ва талабларига беихтиёр мослашиб кета олади
XII.	а	Диққатни бир нуқтага тўплаши қийин, тез чалғийди
	б	Алоҳида назорат остига олинса диққатни тез тўплай олади ва ривожлантира олади
	в	Диққати барқарор, ихтиёрий диққат устун
	г	Диққати тез толиқади, чалғийди, кўпинча барқарор эмас.
XIII.	а	Хулқ-атворидаги барча ҳаракатлар кескин ва шиддатли
	б	Илтифотли, ўзгаларни ташаббусга чорлай олувчи.
	в	Кўпроқ ўйлашни, мустақил фикр-мулоҳаза юритишни яхши кўради
	г	Катталарга итоаткор, дўстларига ҳамisha қулоқ солади
XIV.	а	Катта умидлар ва жўшқин ҳаракатлар билан ишга киришади, бироқ мағлубиятга биринчи бор дуч келишидаёқ ишни йиғиштириб қўя қолади.
	б	Мағлубиятнинг сездирмасликка ҳаракат қилади.
	в	Мағлубиятдан кўрқмайди, эсанкирамайди
	г	Мағлубиятнинг кўтара олмайди, ўзини маълум даражада йўқотиб қўйиши мумкин.
XV.	а	Тез ҳаяжонланади, дастлаб бу ҳаяжон унинг самарали ишлашида ёрдам беради, кейинчалик иш сифати пасайиши мумкин
	б	Ҳаяжонли вазиятларда оқилона ҳаракат қила олади
	в	Ҳаяжонга тушиши қийин, бундай пайтда ўзини тўлиқ идора қила олади
	г	Ҳаяжонли вазиятда ваҳимага тушади, таъсирланиб кетади, баъзан йиғлаб юбориши мумкин.

зарур (оуни факат укитувчининг узи оажаради).

Методиканинг калити (у ёки бу темперамент типига хос сифатларни ифодалаган ва уларни тахлил қилиш учун муаллиф томонидан ишлаб чиқилган саволлар рўй хати):

	Темперамент типлари				Т — Умумий балл
	Холерик	Сангвиник	Флегматик	Меланхо- лик	
I	а	б	в	г	
II	а	б	в	г	
III	а	б	в	г	
IV	а	б	в	г	
V	а	б	в	г	
VI	а	б	в	г	
VII	а	б	в	г	
VIII	а	б	в	г	
IX	а	б	в	г	
X	а	б	в	г	
XI	а	б	в	г	
XII	а	б	в	г	
XIII	а	б	в	г	
XIV	а	б	в	г	
XV	а	б	в	г	
Жами баллар					

Демак, ҳар бир ўқувчининг ўз кайдномасида тўлдирган барча балларни ўқитувчи ушбу жадвал асосида тўлдириб чиқади. Темпераментларга тегишли барча баллар кўшилади ва ҳар битта темперамент учун умумий баллар йиғиндиси келтириб чиқарилади. Бу балларни ўзаро таккослаганда эса ўқувчи шахсида намоён бўлувчи у ёки бу темперамент типига хос сифатнинг қай даражада эканлиги намоён бўлади. Масалан, ўқувчи—«К» да «холерикдан йиккан баллар—32 га, сангвиник—11 га флегматик —16 га, меланхолик—20 га тенг бўлиши мумкин. Бунда ўқувчи— К. ни холерик темпераментига яқин киши, деб айтиш мумкин, чунки бошқа темпераментларга нисбатан «холерик»да жуда кўп балл йиғилган. Йиғилган балларни фоиз ҳисобида чиқариш масалага яна ҳам аниқлик киритади ва бу айтиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни қуйидаги формула орқали амалга ошириш мумкин.

$T = X + C + \Phi + M$	Бунда: Т —	тўртала темпераментга тегишли
$X_{ол.} = \frac{X \cdot 100}{T}$		балларни фоизга айлантириш учун белгиланган
$C_{анг.} = \frac{C \cdot 100}{T}$		умумий йиғинди.
$\Phi_{л.} = \frac{\Phi \cdot 100}{T}$	Чунончи, ҳар бир темпераментга тегишли баллни:	
$M_{ел.} = \frac{M \cdot 100}{T}$	фоизга айлантириш учун шу темперамент балини	
	100 га кўпайтириб	

тўртала темпераментнинг йиғиндиси — (Т)га бўлиш керак.

Ушбу формулалар асосида ўқувчи ҳулқ - аъволида намоён бўлувчи «темпераментларни» фоиз ҳисобида аниқ айтиб бериш мумкин.

Энди, бир намуна сифатида мазкур усулни қўллаш орқали 9 - синф ўқувчиси Қамолов Салимдан олинган маълумотлари баён этмоқчимиз:

Қамолов Салим—9 синф ўқувчиси (ўқувчининг берган кўрсатмаси ёхуд ҳар бир йўналиш бўйича қўйган бали).

I a—0 б—1 в—0 г—2	VI a—2 б—3 в—2 г—2	XI a—1 б—1 в—0 г—2
II a—1 б—2 в—1 г—1	VII a—2 б—3 в—2 г—3	XII a—1 б—2 в—2 г—2
III a—0 б—2 в—1 г—3	VIII a—1 б—2 в—0 г—3	XIII a—1 б—3 в—2 г—2
IV a—2 б—0 в—0 г—1	IX a—3 б—1 в—0 г—3	XIV a—0 б—2 в—1 г—2
V a—3 б—1 в—2 г—2	X a—2 б—3 в—1 г—2	XV a—2 б—1 в—1 г—2

Олинган маълумотлар устида ишлаш ишлашишлаш

№	Темпераментларнинг намоеъ бўлиш даражаси				
	Холерик	Сангвиник	Флегматик	Меланхолик	Умумий балл
I	(а) 0	(б) 1	(в) 0	(г) 2	3
II	1	2	1	1	5
III	0	2	1	3	6
IV	2	0	0	1	3
V	3	1	2	2	8
VI	2	3	2	2	9
VII	2	3	2	3	10
VIII	1	2	0	3	6
IX	3	1	0	3	7
X	2	3	1	2	8
XI	1	1	0	2	4
XII	1	2	2	1	6
XIII	1	3	2	2	8
XIV	0	2	2	3	6
XV	2	1	1	2	6
Жами	21	27	16	31	95

- 1) Хол. = $\frac{X \cdot 100}{T}$, яъни Хол. = $\frac{21 \cdot 100}{95} = 22,1\%$
- 2) Санг. = $\frac{C \cdot 100}{T}$, яъни C = $\frac{27 \cdot 100}{95} = 28,4\%$
- 3) Флег. = $\frac{\Phi \cdot 100}{T}$: яъни Флег. = $\frac{16 \cdot 100}{95} = 16,9\%$
- 4) Мел. = $\frac{M \cdot 100}{T}$, яъни M = $\frac{31 \cdot 100}{95} = 32,6\%$

Демак, олинган маълумотларга караганда ўқувчи— Камолов Салимнинг хулк аторида меланхолик темпераменгига хос сифатлар (32,6%) бошка темперамент сифатларга нисбатан устунлик килади. Шунинг учун. мазкур ўқувчини маълум маънода «Меланхолик» дейиш мумкин.

Э с л а т м а: Мазкур усулни факат бир маротаба кўллаш оркали кифояланиб бўлмайди. Шунинг учун юкоридаги 60 та саволга мазкур ўқувчининг ўзи берган кўрсатмаси, ота - онасининг шу ўқувчи учун берган кўрсатмаси (албатта хар бир саволга алохида) колаверса, энг якин ўртошининг кўрсатмаси, шунингдек, кўшимча бошка усуллар оркали, алохида сухбатлар давомида олинган барча маълумотлар хам юкоридаги жадвал бўйича атрофлича ўрганиб чикилса ва ўзаро таккосланиб, сўнгра мазкур ўқувчи хакида тегишли хулосалар чикарилса, махсадга мувофик бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Тошкент: Иқтисодиёт, 2011.
2. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т. — "Ўзбекистон" — 2000,с.330-351.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т. — "Ўзбекистон" — 1996, с. 76—85.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ, каби муқаддасдир. 3-жилд. Т. - "Ўзбекистон"- 1996, С. 33-42. :
5. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994.
6. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., 1998.
7. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. 9-бет. Т. "Ўзбекистон" 1992 йил.
8. З. Т. Нишоновна. Болаларга маънавият ва ахлоқ асосларини ургатишнинг психологик муаммолари. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти 1999 йил.
9. Грехнев В.С. Культура педагогического общения: Кн. для учителя.-М: Просвещение, 1990, -144 с.
10. Гришина Н.В. Я и другие: общение в трудовом коллективе. Л.: Ленизд., 1990, -174 с.
11. Кан-Калик В.А. Учителю о педагогическом общении: Кн. для учителя.- М.: Просвещение, 1987, -190 с.
12. Рабочая книга школьного психолога. (под. ред.И.В. Дубровиной)-М: Просвещение, 1991, 303 с.
13. Рубакова М.М. Конфликт и взаимодействие в педагогическом процессе. Кн. для учителя.-М.: Просвещение, 1991, 128с.
14. Фридмен Л.М. и др. Изучение личности учащегося и ученических коллективов. Кн. для учителя.-М.: Прос. 1988, 207 с.
15. Шейпель В.М. Управленческая этика. -М.: Экономика, 1989, 287 с.
16. Ф.С.Исмаилова ва бошқалар. “Ўқувчиларнинг ақлий қобилиятини ривожлантиришда ақлий ўйинлардан фойдаланиш”, Т. 1993.
17. Ғозиев Э.Ғ. “Олий мактаб психологияси”, Т.: Ўқитувчи, 1997,
18. Ғозиев Э.Ғ. “ Психология муаммолар”. Т, 1999.
19. Тошимов Р. Ғозиев Э. Г. “Замонавий индивидуал ва гуруҳий психология”. Тошкент, “Университет” 1999й.
20. Э.Ғозиев, Ш.В.Азизова “Ташкилий психология” Тошкент-1999й.
21. Ғозиев Э.Ғ. “ Тафаккур психологияси”. Т, 1990.
22. www.google.ru
23. www.gov.uz
24. www.lex.uz
25. www.pedagog.uz
26. www.edu.uz